

Ислом ғариблик билан бошланди ва ғарибликка қайтади | Сийрат дарслари (297-дарс)



19:00 / 06.09.2024 2714

488. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Албатта, иймон Мадинага худди илон инига киргандек киради»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

489. Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳар гал сафардан келиб, Мадинага назарлари тушса, уловларини тезлатар ва агар бирор ҳайвон минган бўлсалар, унга (Мадинага) бўлган муҳаббатларидан ҳайвонни қистар

эдилар».

Бухорий ривоят қилган.

490. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унда икки ракат намоз ўқиш учун Қубога пиёда ва уловда келар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

491. Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ушбу масжидга - Қубо масжидига келиб, унда намоз ўқиса, худди умра кабидир»,** дедилар».

Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

492. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудга назар солдилар ва: **«Албатта, Уҳуд бизни севадиган ва биз ҳам уни севадиган тоғдир. Аллоҳим! Албатта, Иброҳим Маккани ҳарам қилди ва мен ҳам унинг икки ҳарраси орасини ҳарам қилдим»,** дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

493. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ислом ғариблик билан бошланди ва яна бошлангандаги каби ғарибликка қайтади. У икки масжид орасидан худди илон инига киргандек киради»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.